



Tadqiqot.uz

**ЎЗБЕКИСТОН  
ОЛИМЛАРИ ВА  
ЁШЛАРИНИНГ  
ИННОВАЦИОН  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАРИ  
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Хуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидағи изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

31 DEKABR  
**№35**

CONFERENCE.uz



**ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ  
ТУТГАН ЎРНИ**

<b>1. Axmedova Aziza Umid qizi</b>	
RESPUBLIKA IJTIMOIY - IQTISODIY MASALALARINI YECHISHDA AKT AHAMIYATI .....	7
<b>2. Mardonov Saidmurot Arzimurot o'gli</b>	
IQTISODIYOTDA IPOTEKA KREDITLARINING NAZARIY AHAMIYATI .....	9
<b>3. T.K. Ergashev, D.P. Farmonov</b>	
THE ROLE OF INTERNATIONAL TOURISM IN THE ECONOMIC DEVELOPMENT OF THE COUNTRIES .....	11
<b>4. Шавкат Болтаев</b>	
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ТЕЖАМКОРЛИККА ЭРИШИШ ВА САМАРАДОР- ЛИКНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ .....	14
<b>5. Азиз Қодиров</b>	
ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИНГ ҲУДУДИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ЗАХИРАЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ .....	16



## ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИНГ ҲУДУДИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ЗАХИРАЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Азиз Қодиров,  
БухДУ мустақил изланувчиси

**Аннотация.** Ушбу маъруза тезисида экологик туризмнинг ривожланишида захираларнинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Шунингдек, экологик туризмнинг ҳудудий ва маҳаллий захираларидан оқилона фойдаланиш масалалари ўрганилган.

**Калит сўзлар:** туризм, экология, экологик туризм, захира, минтақа, ижтимоий-иктисодий омиллар.

Экологик туризм атроф - муҳитга ва ҳудуднинг экологик ҳолатига таъсир кўрсатади, чунки экотуризм тушунчасининг ўзида тежамкорлик билан табиатдан фойдаланиш элементлари мавжуд, булар атроф- муҳитга зарар етказмайди, аксинча аҳолининг экологик маданиятининг ўсишига кўмаклашади. Юқорида муаллиф томонидан таъкидланганидек, субъектлар ҳудудларида экотуристик фаолиятни ташкил этиш табий муҳитга минимал таъсир қилишни тахмин қиласди, бунга туризм шаклларини, техник жиҳозлашни ва намойиш объектлари ҳудудларида туристлар фаолиятида чекловлар орқали эришилади.

Асосий мақсадга ҳудудда экологик туризмни ривожлантиришга эришиш учун энг аввало икки гурухдаги иктисодий ва ижтимоий характерга эга масалаларни ечиш зарур:

### 1) Иктиносий характерга эга масалалар:

- рекреацион зонада экологик туризмнинг иктиносий ролини кучайтириш ва ҳудудий мультиплекатив таъсирни яратиш ( рекреацион фаолият билан боғлиқ туризм соҳаларини ривожлантириш);
- экологик туризмни ривожлантиришга чет эл ва миллий инвесторларни жалб қилишга кўмаклашиш;
- қишлоқ ҳудудларида табиий захиралардан ва маҳсус қўриқланадиган табиий ҳудудлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг иктиносий самарадорлигини ошириш;
- туризмни бошқариш тизимида қишлоқ жойларига туристларни жойлаштириш воситаларини ривожлантиришни рағбатлантиришнинг иктиносий усусларини татбиқ этиш( гаров-қайтариш схемалари, чегирмали тарифлар, кредитлар бўйича фоизларни қисман қоплаш дастурларини татбиқ этиш, экологик туризмни ривожлантириш бўйича туман(ҳудудий) фондни ташкил этиш ва х.);
- экологик туризмни маълумот жиҳатидан қўллаб-кувватлаш интеграцияланган тизимини яратиш( давлат, вилоят ва туман бюджетлари ва хусусий инвестициялар орқали ҳиссаси билан молиялаштириш), ушбу тизим туристик фаолият юритувчи субъектларга ҳудудий, миллий ва чет эл бозорларида ўз таклифларини юритиш учун самарали маркетинг хизматларини таклиф этади;
- қишлоқ яшаш жойларида туристларни жойлаштириш учун замонавий воситаларни яратишни қўллаб-кувватлаш, хизматлар сифатини Европа Иттифоқининг стандартлари даражасида сертификатлаштириш билан бирга.

### 2) Ижтимоий характерга эга масалалар:

- қишлоқларда ижтимоий барқарорлик учун шароитлар яратиш;
  - қишлоқларда хизмат қўрсатиш соҳасини ривожлантириш муҳим элементи сифатида рекреант-мижозларга хизмат қўрсатиш сифатини кўтариш;
  - қишлоқ аҳолиси бандлик соҳасини кенгайтириш ва янги иш ўринларини яратиш;
  - қишлоқларда маданий меросни сақлаб қолиш, қўллаб-кувватлаш ва қайта тиклаш (анъаналар, урф-одатлар, хунармандчилик, табиат ёдгорликлари, тарих, дин ва маданият).
- Республика ҳудудларида туризмни ривожлантириш бўйича датсурларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этишда фақат лойиҳани амалга оширишдан манфаатларни қўзламаслик керак, балки туризмнинг ушбу шаклини ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни ҳам назарда тутиш лозим. Булар орасида қуидагиларни ажратиш мумкин:
- туристик хизматлардан кўпчилигининг мавсумий характеристи;
  - экологик туризмни ривожлантириш бўйича харакатларни мувофиқлаштириш учун МЭТХ маъмурияти, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳаллий аҳоли томонидан



ишилаб чиқилган механизмнинг йўқлиги;

- экотуристик махсулотни юритиш ва амалга ошириш бўйича яхлит занжирини шакллантириш заруряти;
- МЭТХ худудларида меҳнат захиралари катта қисмини бандлигининг мавсумий характеристери;
- экотуризмни ривожлантиришдан етарли иқтисодий манфаат кўрмаган ҳолатларда маҳаллий аҳолининг ижтимоий инертлиги ва янгилик киритишиларига қаршилик кўрсатиши;
- худуднинг экологик мувозанатини сақлаш, масалан, чиқиндиларни утилизация қилиш муаммосини ечиш заруряти.

Республика худудларида экологик туризм шундай ривожланиши зарурки, худудий иқтисодиёт ривожланишига, табиий захиралардан оқилона ва тежамкор фойдаланишга кўмаклашиши ҳамда доимий бандликни таъминлаш орқали маҳаллий аҳолига фойда ва даромад келтириши, маҳаллий хунармандчилик ва халқ хунармандчилигини ривожлантиришга кўмаклашиши лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Қодиров А.А. Экологик туризм захираларидан оқилона фойдаланиш муаммолари ва истиқболларини баҳолаш масалалари// “Логистика ва иқтисодиёт” илмий электрон журнали, №5 2021 й. 322-328 б.